

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛА-РИНИНГ ҲАЁТИМИЗГА ТАЪСИРИ**  
**АҲМЕДОВА МОҲИНУР**

**Социология кафедраси таянч докторанти**  
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**  
**Электрон почта; аҳмедовамоҳинур92@gmail.com**  
**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7099382>**

Аннотатион

Бу мақола ҳозирги кунда оммавий ахборот воситала-рининг ҳаётимизга беқиёс таъсири хақида, Ҳаммамиз биламизки, интернет бугунги кунда улкан ахборот манбаига айланиб, би-лимларни эгаллашнинг энг самарали восита-ларидан бирига айланган. Интернет тармоғи орқали ўқувчилар ўзларининг билимларини ошириши, тенгдошлари билан мулоқотга киришиши мумкин. Албатта, шак-шубҳасиз интернет кундалик турмушимизда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсирини инкор қилиб, бунга кўз юмиб ҳам бўлмайди.

Калит сузлар; Глобаллашув медиасавод ижтимоий олам

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситала-рининг ҳаётимизга беқиёс таъсирини ҳар жабҳада кузатиш мумкин, бежизга XXI аср глобал ахборот асри деб аталмаган. Шубҳасиз, ахборот технологиялари инсон-лар ҳаётига шу даражада чуқур кириб бор-моқдаки, уларни умуммаданий контекстдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Шунинг билан бирга эътироф этиш лозимки, медиаахборот-нинг истеъмолчиларга бўлган ижобий таъси-ри билан бирга салбий таъсири ҳам ошиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали тар-қа тилаётган ахборотларга нисбатан «танқидий муносабатда бўлиш» деганда бирор нарсани танқид қилишни эмас, балки бизга тақдим эти-лаётган ахборотни танқидий таҳлил қилишни, ушбу ахборотнинг ҳаққонийлигини аниқ лаш-ни, унда яширин маънода берилаётган мани-пулятив элементларни топишни тушунишимиз керак. Оммавий ахборот воситаларининг кучли таъсири шароитида оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олиш учун етарли ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларимиз салбий ва деструктив ахборотлар таъсирига тез тушувчи қатлам ҳисобланади.

Фикримизнинг исботи сифатида энг кенг тарқалган оммавий ахборот воситаларидан бири – телевидение орқали берилаётган кўр-сатувларга эътибор берсак, телетомошабин-ларнинг энг севимли жанрларидан бири – бу Ғарб сериалларидир. Албатта, улар ичида тар-биявий жиҳатдан маълум бир қимматга эгала-ри ҳам бор, лекин бизнинг миллий қадрият-ларимиз ва анъаналаримизга мос келмайди-ган, кўп ҳолларда ўзлигимиз,

менталитетимиз- га тамомила тескари бўлганларининг ҳам мавжудлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Сунъий йўлдош ва кабель телевидениелари орқали намойиш этилаётган Ғарб сериаллари гўёки оддий ҳаётий вазиятлар асосига қурилган сюжет орқали телетомошабинларга зўра- вонлик, беҳаёлик ғояларини худди бир оддий ҳолат, меъёр ва “Ғарбнинг оммавий маданияти” сифатида сингдирилиб келинмоқда. Ғарб давлатлари аҳолисининг аксарияти ҳам бундай ахлоқий меъёрларни қўллаб-қувватламайди.

Ёшлар фаол ҳаётга аралшиб, нафақат вазиятни ва унинг ҳаётий стратегияси ҳамда режаларига таъсир этувчи омилларни ўзгартиради, балки уларни доимий равишда тузатишга мажбур қилади. Ҳозирги замон социологиясида П. Бурдие концепциясининг назарий қоидалари фаолият метапарадигмасига ҳам тегишли бўлиши мумкин бўлган назарий қоидалар кенг тарқалди. П. Бурдие назариясининг асосий тушунчалари онгли равишда ҳаракат қилувчи ва унинг мақсадлари ва ҳабитусларини онгли равишда амалга оширадиган агентни - агентнинг амалиётини ҳосил қилувчи ва тузадиган, шунингдек унинг ғояларини шакллантирадиган диспозициялар (мойилликлар) тизимини тақдим этади. П. Бурдие ёшлар ҳаёти проекциясини энг тўлиқ ва чуқур социологик таҳлил қилиш имконини берувчи назарий хулосалар чиқаради. Хусусан, у шундай ёзади: “Албатта, агентлар дунёни фаол идрок этишади. Албатта, агентлар ўзларининг дунёқарашини яратадилар. Аммо бу қурилиш структуравий босим остида амалга оширилади. Ва ҳатто социологик нуқтаи назардан ҳам инсон тажрибасининг умумбашарий мулки сифатида кўринадиган нарсани тушунтириш мумкин, яъни ўзлаштирилган дунё ўз-ўзидан ўтиб кетадиган нарса сифатида қабул қилинади. Агар ижтимоий олам равшан ва сезилувчи сифатида идрок этилишига мойил бўлса, демак, агентларнинг табиати, уларнинг ҳабитуслари, яъни агентлар орқали ижтимоий оламни идрок этувчи руҳий тузилмалар, асосан, социал дунё тузилмаларини ичкилаштириш маҳсулидир “ .

Ҳаммамиз биламизки, интернет бугунги кунда улкан ахборот манбаига айланиб, би-лимларни эгаллашнинг энг самарали восита-ларидан бирига айланган. Интернет тармоғи орқали ўқувчилар ўзларининг билимларини ошириши, тенгдошлари билан мулоқотга киришиши мумкин. Албатта, шак- шубҳасиз интернет кундалик турмушимизда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин, интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига салбий таъсирини инкор қилиб, бунга кўз юмиб ҳам бўлмайди.

Интернетнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири сифатида қуйидаги мисолларни келтириб ўтиш етарли бўлади: порнография, пиротехника, суицид, гиёҳванд моддаларни сунъий йўллар билан тайёрлаш ва унинг инсон организмга таъсирига оид сайтлар ва ушбу сайтларда мазкур масалаларнинг муҳокама қилиниши. Ёшларнинг бу нарсаларга қизиқиши орқали уларнинг ҳаёти ва соғлиғига путур етиши мумкин.

Глобаллашув асрида, бутун дунё таълим мутахассислари аҳоли ўртасида медиасаводхонлик кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж тобора ошаётганини эътироф этишмоқда. Шу сабабли, ҳозирги кунда кўплаб давлатлар ёшларда медиасаводхонлик кўникмаларини шакллантириш уларнинг ривожланишида муҳим омил эканлигини тан олган ҳолда, ўзларининг медиатаълим йўналиши бўйича миллий стандарт ва дастурларини яратишни бошлаганлар.

Бизда ҳам дунёда турли ғоялар рақобатлашаётган мураккаб даврда, қарама-қарши медиамуҳит шароитида ёшларни келажак ҳаётга тайёрлашда янги ёндашув ва воситаларга эҳтиёж туғилмоқда.

Бугунги ёшларда ахборотларни тўлиқ ва тўғри тушунишлари учун ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш керак. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашида анъанавий савабдорлик (ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш) етарли бўлмайди. Шунинг учун назардан, медиатаълимнинг таълим тизимига жорий этиш ва унинг ривожлантириш замонавий таълимнинг устувор йўналишларидан бирига айланиши керак.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Бурдые П. Социология социального пространства / Пер. с франц.; отв. ред. перевода Н.А. Шматко. М.; СПб., 2007. С. 74.
2. Сафарова Р.Ғ., Жўраев Р.Х. Педагогика энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон давлат энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2015.
3. Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. – М.: Изд-во МОО ВПП ЮНЕСКО «Информация для всех», 2007.
4. Федоров А.В. Терминология медиаобразования. // «Искусство и образование», 2000, № 2. –С. 33-38.